



AKSIYADORLARNING YILLIK UMUMIY YIG‘ILISHINING 03/2024 - sonli BAYONNOMASIDAN KO‘CHIRMA

Манзил: “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
биноси, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси,
3-уй.

2024 йил 28 июнь
Иш вақти: 11.00-14.00

Банк Кенгаши томонидан 2024 йил 1 июнда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунлари ҳамда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ уставига биноан, акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини масофадан туриб электрон овоз бериш хизмати <http://evote.uz/> орқали ўтказиш ва йиғилиш кун тартибини белгилаш тўғрисида 2024/08-сонли қарори қабул қилинган. Бундан ташқари Банк Кенгаши томонидан 2024 йил 14 июнда мазкур навбатдаги йиллик умумий йиғилиш кун тартибига қўшимча 2 масала киритиш тўғрисида 2024/11-сонли қарори қабул қилинган.

2024 йил 28 май ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан банк акциядорларига умумий йиғилиш ўтказиш вақти, жойи, кун тартиби ва кун тартибига қўшимча киритилган масалалар тўғрисида хабар “Тошкент” РФБ, Корпоратив ахборот ягона портали, банкнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган ҳамда акциядорларнинг электрон почта манзилига юборилган. Шу билан бирга мазкур хабар “Халқ сўзи” республика нашрининг жорий йил 5 июндаги 111(8734)-сониди, 6 июндаги 112(8735)-сониди ва 25 июндаги 125(8748)-сониди, шунингдек “Народное слова” республика нашрининг жорий йил 5 июндаги 110(8688)-сониди, 6 июндаги 111(8689)-сониди ва 21 июндаги 122(8700)-сониди чоп этилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 61-моддаси ҳамда Банк Кенгашининг қарорига биноан, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санаси 2024 йил 24 июнь деб белгиланди. Йиғилишда мазкур санага шакллантирилган акциядорлар реестрида амалдаги қонунчиликка асосан фақат оддий акция эгалари овоз бериш ҳуқуқига эга.

2024 йил 24 июнь ҳолатига Банк устав капитали 4 628 941 927 804 (*тўрт триллион олти юз йигирма саккиз миллиард тўққиз юз қирқ бир миллион*

тўққиз юз йигирма етти минг саккиз юз тўрт) сўмни ташкил қилади ва у қуйидаги акцияларга бўлинган:

- умумий қиймати 4 621 911 927 804 (тўрт триллион олти юз йигирма бир миллиард тўққиз юз ўн бир миллион тўққиз юз йигирма етти минг саккиз юз тўрт) сўм бўлган номинал қиймати 19 (ўн тўққиз) сўмлик 243 258 522 516 (икки юз қирқ уч миллиард икки юз эллик саккиз миллион беш юз йигирма икки минг беш юз ўн олти) дона эгасининг номи ёзилган оддий акция;
- умумий қиймати 7 030 000 000 (етти миллиард ўттиз миллион) сўм бўлган номинал қиймати 19 (ўн тўққиз) сўмлик 370.000.000 (уч юз етмиш миллион) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акция.

Акциядорлар навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (кворум мавжудлиги) бўйича маълумот <https://evote.uz> платформасидан олинди.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ акциядорларининг реестрига кўра, 2024 йил 24 июнь ҳолатига акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига жами 243 258 522 516 (икки юз қирқ уч миллиард икки юз эллик саккиз миллион беш юз йигирма икки минг беш юз ўн олти) дона оддий акция эгаси бўлган 8 208 (саккиз минг икки юз саккиз) нафар акциядор киритилган.

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари “eVOTE” – Электрон овоз бериш хизмати томонидан тасдиқланди ва <https://evote.uz> платформасидан олинган маълумотга кўра, йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг 233 094 935 773 (икки юз ўттиз уч миллиард тўқсон тўрт миллион тўққиз юз ўттиз беш минг етти юз етмиш уч) дона ёки 95,81% фоизига эгаллик қилувчи 8 (саккиз) нафар акциядор ҳамда акциядорлар вакиллари электрон рўйхатдан ўтганлиги ва банк акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ваколатли эканлиги, маълум қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 18 августдаги “Давлат иштирокидаги корхоналар ва Тижорат банкларини ислоҳ қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-283-сонли қарорига асосан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси устав капиталидаги ўзига тегишли акция пакетлари бўйича акциядор ваколатларини амалга ошириш ва бошқариш функцияларини ишончнома асосида чекланмаган муддатга Иқтисодиёт ва молия вазирлигига берилиши белгиланган. (Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлигига берилган ОЮ-07/08-737-сонли ишончнома).

<https://evote.uz> платформасидан олинган маълумотлар илова қилинади.

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун Банк Кенгаши раиси О.Р.Исаков йиғилиш раиси этиб сайланди.

Акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши Ишчи аъзолари қуйидаги таркибда тузилди:

Йиғилиш ҳайъати: О.Р.Исаков (йиғилишга раислик қилувчи), А.Акбаржонов.

Саноқ комиссияси: Д.Абдукадиров, Х.Умаров, З.Баймурадова.

Йиғилиш котибияти: Х.Саттаров.

Акциядорлар навбатдаги йиллик умумий йиғилишининг кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг 2023 йил якунлари бўйича фаолияти ҳамда банкнинг ривожлантириш стратегиясини бажарилиши бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.
2. Банкнинг 2023 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
3. Банк фойдасини тақсимлаш ва бир Кенгаш аъзосига 2024-2025 корпоратив йил учун тўланадиган мукофот ва компенсациянинг энг юқори миқдорини белгилаш.
4. 2024-2025 корпоратив йили учун Банк Бошқарувининг аъзоларига тўланадиган мукофотининг максимал миқдорини белгилаш.
5. Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари ваколатларини тасдиқлаш тўғрисида.
6. 2024 молия йили бўйича Банкда ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун ташқи аудитор ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини белгилаш.
7. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.
8. “Tashkent City” ХИМдаги Бош банк янги биносининг қурилиш учун белгиланган қийматини ошириш масаласи тўғрисида.
9. Банк Кенгаши аъзосининг ваколатини муддатидан аввал тугатиш тўғрисида.
10. Банк Кенгашида вакант бўлган ўринга янги аъзони сайлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 59-моддасига асосан кун тартибига киритилган масалаларни кўриб

чиқиш натижалари ва овоз бериш яқунларини ҳисобга олган ҳолда Банк акциядорларининг умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг 2023 йил учун ҳисоботи, банкни ривожлантириш стратегиясига бажарилиши бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин. Банк Кенгаши ва Бошқарувининг фаолияти қониқарли деб топилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 233 070 039 518 овоз

“ёқлайман” – 233 070 039 518 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

2. Банкнинг 2023 йил яқунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 233 070 039 518 овоз

“ёқлайман” – 233 070 039 518 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

3. Банк Кенгаши ва Бошқаруви тавсия этган банк фойдасини тақсимлаш тартиби тасдиқлансин.

Ҳисобот йилидаги фойда 907 215 544 717,68 сўм:

- Умумий захирани фондига – 45 360 777 000,00 сўм;
- Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендлар тўлашга – 1 616 900 000 сўм (1 дона акцияга 4,37 сум, яъни – 23%);
- Банкнинг оддий акциялари бўйича дивидендлар тўлашга – 0 сўм;
- Тақсимланмаган фойдадан қолдиқ – 860 237 867 717,68 сўм.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 233 070 039 518 овоз

“ёқлайман” – 233 070 039 518 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

3.1. Бир Кенгаш аъзосига 2024-2025 корпоратив йил учун тўланадиган мукофот ва компенсациянинг энг юқори миқдори Кузатув Кенгашининг 2024 йил 1 июндаги 2024/08-сонли Қарори асосида тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 233 070 039 518 овоз

“ёқлайман” – 233 070 014 728 овоз, “қаршиман” – 24790, “бетарафман” – йўқ.

4. 2024-2025 корпоратив йили учун Банк Бошқарувининг аъзоларига тўланадиган мукофотининг максимал миқдорини белгилаш Кузатув Кенгашининг 2024 йил 1 июндаги 2024/08-сонли Қарори асосида тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 233 070 039 518 овоз

“ёқлайман” – 233 070 014 728 овоз, “қаршиман” – 24790, “бетарафман” – йўқ.

5. Банк Бошқаруви Раиси ва Бошқарув аъзолари ваколатлари тасдиқлансин:

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 233 070 039 518 овоз

| т/р | Банк Бошқарув аъзоларининг фамилияси, исми ва шарифи. Эгаллаб турган лавозими | Тўпланган овозлар сони | | |
|--------|---|------------------------|----------|------------|
| | | ёқлайман | қаршиман | бетарафман |
| 1. | Акбаржонов Азиз Акбаржон ўғли. Бошқарув Раиси. | 233 070 014 728 | | 24 790 |
| 2. | Эргашев Анваржон Абдумажитович. <i>Бошқарув Раисининг 1-чи ўринбосари.</i> | 233 070 039 518 | | |
| 3. | Якубов Шухрат Исраилович. <i>Бошқарув Раисининг ўринбосари.</i> | 233 070 039 518 | | |
| 4. | Юсупов Шохзод Махматмуродович. <i>Бошқарув Раисининг ўринбосари.</i> | 233 070 039 518 | | |
| 5. | Узаков Бехзод Бахтиёрвич. <i>Юридик департамент директори.</i> | 233 070 039 518 | | |
| 6. | Исмагилов Салават Фоатович. <i>Риск Бош директори</i> | 233 070 039 518 | | |
| 7,8,9. | <i>Бошқарув Раисининг ўринбосари, Бошқарув Раисининг ўринбосари Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департамент директори - Бош бухгалтер.</i> | 233 070 039 518 | | |

6. 2024 молия йили бўйича банкда ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун ўрнатилган тартибда ўтказилган тендер натижалари, Кенгаш ва Бошқарув таклифлари асосида “Pricewaterhousecoopers” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин, унга тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори 3 250 млн.сўмда (*Қушилган киймат солиғи билан*) белгилансин ва ғолиб билан шартнома тузилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 233 070 039 518 овоз

“ёқлайман” – 233 070 039 518 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

7. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБнинг ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 233 070 039 518 овоз

“ёқлайман” – 233 070 039 518 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

8. “Tashkent City” ХИМдаги Бош банк янги биносининг қурилиш учун белгиланган қийматни ошириш масаласи тасдиқлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 233 070 039 518 овоз

“ёқлайман” – 233 070 014 728 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – 24790.

9. Мустафоев Хуршед Бахтёровичнинг “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгаш аъзоси ваколатини муддатидан олдин, яъни 2024 йил 28 июндан тугатилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 233 070 039 518 овоз

“ёқлайман” – 233 070 039 518 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

10. Назаров Азизхон Бахром ўғли “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгаши аъзолигига сайлансин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 233 070 039 518 овоз

“ёқлайман” – 233 070 039 518 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

Акциядорлар умумий йиғилиши котиби

Х. Сагтаров

Санок комиссияси

Д.Абдукадиров

Протокол расмийлаштириш санаси “ 04 ” июль 2024 йил.